

Respublikasi  
viloyati  
tuman  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
Самаркандского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

31 декабр

№ 1906-К

Samarqand t-p. Самарканд

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массивида фуқаро  
Одилов Отабек Ўктам ўғлига тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида”

Нарпай тумани М.Тураев кўчаси 13 уйда яшовчи фуқаро Одилов  
Отабек Ўктам ўғли туман ҳокими номига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар  
йиғини “Зарафшон” массиви худудидан намунавий лойиха асосида  
қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан тикувчилик цехи қуриш  
учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш  
хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш  
қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги  
“Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид  
қилинмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан  
қайта соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли  
“Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш  
тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорлари,  
Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги  
Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Нарпай тумани М.Тураев кўчаси 13 уйда яшовчи фуқаро Одилов  
Отабек Ўктам ўғлига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон”  
массиви худудидан намунавий лойиха асосида қурилаётган уй жойлар  
массиви бош режасидан тикувчилик цехи қуриш учун 0,07 га қишлоқ  
хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари хисобидан ер майдони  
ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси  
асосидан қилинсин.
2. Фуқаро Одилов Отабек Ўктам ўғлига тикувчилик цехини  
қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик  
кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура  
қоидалари талаблари топшириғи (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайёрлаб Давлат  
қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.